

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Ш.Каримов, О.Ахмаджонова Бессель оператори қатнашган иккинчи тартибли оддий дифференциал тенгламаларнинг фундаментал ечимлари ҳақида	6
Н.Икрамова, Э.Турсунова Тўртинчи тартибли тўла дифференциалли оддий дифференциал тенгламаларнинг бир синфи ҳақида .I.	12
М.Жалилов, Г.Каюмова Капута оператори қатнашган тўртинчи тартибли аралаш типдаги тенглама учун бир нолокал масала тўғрисида.....	18
	КИМЁ

А.Ибрагимов, В.Хўжаев, У.Умархонова, Д.Тожибоев, М.Исақов Vigna sinensis, cicer orientinum, phaselousayreus, arachhis hypogaea дуккакли ўсимликларни кимёвий таркибига кўра синфлаш масалалари	24
М.Қодирхонов, Т.Сайпиев, С.Рашидова NA-карбоксиметилцеллюлоза эритмасининг юқори ҳарорат ва юқори тузли шароитдаги реологияси	30
	БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

П.Турдалиева, О.Ахмедова Фарғона водийсининг доривор ўсимликлари – макро - ва микроэлементлар манбаи	34
М.Шерматов, С.Умаров Фарғона водийсида анжир парвонаси (Lepidoptera choreutidae) нинг тарқалиши ва ривожланиши.....	38

М.Адхамов Рақамли иқтисодиёт шароитида таълим: муаммолар ва самарадорлик	43
	ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Г.Закирова Ўзбекистон матбуоти ва унинг интернет-сайтларида хотин-қизларга нисбатан зўравонлик мавзусига ёндашув.....	46
А.Қамбаров, О.Махмудов XIX аср охири – XX аср бошларида жадид ҳурфикрлигида эркинлик ғояси	52
Ш.Аббосова Глобаллашув жараёнлари ва миссионерлик ҳаракати	57
М.Ғоипов Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари	62
Ж.Боқиев Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида вояга етмаганларнинг жавобгарлиги.....	69
	ТАРИХ

И.Кузикулов Фарғонада пахта навларини янгилаш билан боғлиқ масалалар ҳақида (XIX аср охири – XX аср бошлари)	73
Д.Абдуллаев Хайрия ва ҳомийлик фаолияти: Ўзбекистон ва жаҳон мамлакатлари ҳамкорлиги мисолида	77

УДК: 93/99+10(09)

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ ВА МИССИОНЕРЛИК ҲАРАКАТИ

ПРОЦЕССЫ ГЛОБАЛИЗАЦИИ И МИССИОНЕРСКОЕ ДВИЖЕНИЕ

GLOBALIZATION PROCESS AND MISSIONARY MOVEMENT

Ш.Аббосова

Аннотация

Мақолада ҳозирги даврда дунё миқёсида фаоллашиб бораётган миссионерлик ҳаракати ва прозелитизмнинг моҳияти, мақсадлари ва миллий давлатлар ҳамда халқларнинг тинч, осойишта турмушига солаётган хавфи тўғрисидаги масалалар ёритилган. Шунингдек, унга қарши курашнинг қонуний асослари тўғрисида тавсиялар берилган.

Аннотация

В статье освещена сущность и цели движения миссионерства, все более активизирующегося в мировом масштабе, а также прозелитизма, представляющих угрозу безопасности и мирной жизни национальных государств и народов. Даны рекомендации по правовым основам борьбы с этими опасными явлениями.

Annotation

The article is devoted to the analysis of the problem of ensuring the safety of society and the stability of the country, aggravating in recent years with the spread of missionary work and proselytism. It reveals in detail the goals and nature of this extremist movements, which contribute to the emergence of ideological threats to the peaceful and secure life of the peoples of the world. It has been given the recommendations on struggling against dangerous phenomenon on legal base.

Таянч сўз ва иборалар: глобаллашув жараёнлари, мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви, жамият хавфсизлиги, мамлакат барқарорлиги, миссионерлик, прозелитизм, диний конфессия, диний эътиқод, виждон эркинлиги, Конституция, дунёвийлик, диний бағрикенглик, дунёвий давлат.

Ключевые слова и выражения: процессы глобализации, глобализация идеологических процессов, безопасность общества, стабильность в стране, миссионерство, прозелитизм, религиозная конфессия, религиозное убеждение, свобода совести, Конституция, светскость, религиозная терпимость, светское государство.

Keywords and expressions: globalization processes, globalization of ideological processes, the safety of society, the stability of the country, missionary work, proselytism, religious denomination, religious faith, freedom of conscience, temporal, the Constitution, religious tolerance, temporal government.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида христианлик, буддавийлик, яҳудийлик ва ислом динлари доирасида юзлаб секталар пайдо бўлди. Янги вужудга келган диний ташкилотларнинг ўз манфаатлари доирасида ҳаракат қилишга интилиши дунё миқёсидаги барқарорликка жиддий таҳдид солмоқда. Айниқса, бир динга эътиқод қилувчи диндорлар орасига низо ва нифоқ солиш орқали фуқароларни ўзга динга ўтказиш тобора кучаймоқда. Хусусан, мусулмонларни христианликка, христианларни эса кришначиликка, православларни протестантликка даъват этиш кабиларда бевосита миссионерлик ҳаракатининг саъй-ҳаракатлари ошқор бўлиб бормоқда. Мазкур ҳолатни миссионерлик оқибатида жамият хавфсизлиги ва мамлакат барқарорлигини

издан чиқаришига бўлган ҳаракатлар, деб ҳам баҳо бериш мумкин.

Глобаллашув шароитида миссионерлик аксарият ҳолатларда диний нифоқ солиш орқали динлараро тўқнашувлар оқибатида этноконфессионал зиддиятларни келтириб чиқаришни мақсад қилиб олишлари кенг жамоатчиликка аллақачон равшан бўлган ҳолдир. Бу ҳол мамлакатимиз миқёсида муайян хавф туғдираётганлиги ҳам ташвишлидир.

Натижада мазкур ҳолатлар турли динларга эътиқод қилувчи халқлар ўртасида қонли тўқнашувларни келтириб чиқармоқда. Зеро, миссионерликнинг мазкур кўринишлари жамият ва давлат миқёсида айирмачиликни вужудга келтирмоқда. Айнан миссионерлик ортида диний заминда миллатни ички парокандалик асосида бўлишга қаратилган ғаразли сиёсий мақсадлар борлиги тобора

Ш.Аббосова – ФарДУ, Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси.

ойдинлашмоқда. Бинобарин, миссионерликнинг мазкур кўринишлари муайян минтақада яшовчи халқ қалби ва онгида маънавий таназзулни келтириб чиқариши оқибатида парокандаликка юз тутиши ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Миссионерлик сўнги вақтларда халқлар ва мамлакатлар ҳаётида катта таъсир кучига эгаллиги ва бунинг тобора кучайиб бораётганлиги натижасида дунё миқёсида тинчлик ва барқарорлик жиддий хавф-хатар остида қолмоқда. Миссионерлик халқларнинг тарихан шаклланган миллий маънавияти, тарихий ўтмиши, азалий қадриятларига ҳамда диний эътиқодига таъсир қилувчи салбий омил вазифасини ўтамоқда. Айниқса, миссионерлар бошқа динга эътиқод қилувчи дин вакиллари ўртасида ўзларининг динини устун қўйиш орқали ўзга дин вакилларининг диний туйғуларини камситиш ва ҳақоратланишига замин яратмоқда. Мазкур ҳолат бевосита дунё миқёсида халқаро муносабатларга ҳам бевосита таъдид солаётганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Бу борада И. Каримов, “ҳозирги кунда ким кўп - ана шундай маънавий бўшлиқни тўлдиришга уринадиган, шунинг ҳисобидан ўзининг ғаразли мақсадларини амалга оширишни ўйлаб юрганлар кўп. Минг афсуски, бу кучларнинг асл қиёфаси, мақсад-муддаолари ва имкониятларини тўла ва аниқ-равшан тасаввур қилиш осон эмас. Нега деганда, улар кўпинча турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар пардаси остида иш кўради. Бундай кучларнинг ихтиёрида жуда катта моддий, молиявий ресурслар ва имкониятлар мавжуд бўлиб, уларнинг пухта ўйлаган, узоқ ва давомли ёвуз мақсадларига хизмат қилмоқда” [1,12], дея бежиз таъкидламаган эди. Бинобарин, дунё миқёсида, тинчлик ва барқарорликка раҳна солишга интилаётган, деструктив ва тоталитар секталар фаолиятини ўз вақтида англаш, улардан доимо огоҳ бўлиш, мазкур ҳаракатларни ўз вақтида бартараф этиш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканлигини ҳар бир ватандошимиз англаши лозим.

Миссионерлик мақсадида фаолият кўрсатаётган шахслар аксарият ҳолатларда турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар пардаси остида фаолият

кўрсатишаётганлиги, айниқса, ташвишлидир. Миссионерликнинг кучли тарғибот ва ташвиқоти орқали дунё миқёсида ўзларининг диний эътиқодини ўзга дин вакиллари ўртасида ҳақ эканлигини исботлаш мақсадида турли усуллардан фойдаланишмоқда. Айниқса, миссионерлик ташкилотлари адепт (ташкилотга қабул қилинган янги аъзо)ларни доимо ўз назоратида бўлишга алоҳида эътибор қаратишади. Шу тариқа миссионерлар ўз аъзоларига доимо ташкилот қонунларига қаттиқ риоя этишни талаб этишади. Ташкилот томонидан оқим аъзоларига доимо ўзларини ҳақ эканлигини таъкидлаб, ўзга ахборот манбаларини узиб қўйиш ёки уларни иғво қилиш муҳим ўрин тутаяди.

Миссионерликда ташкилотдан ташқари ҳар қандай инсон билан алоқани узиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ташкилотга янги аъзоларни жалб этишда миссионерликка оид адабиётлар, ёзувларни ғоявий ишлов бериш орқали маърузалар билан “бомбардимон қилиш”га алоҳида эътибор қаратилади. Мазкур ҳолатни шарқона деструктив диний ташкилот сифатида фаолият кўрсатаётган “Трансцендентал медитация”(ТМ) фаолиятида кузатиш мумкин. Хусусан, ташкилот қонунларига кўра, ТМ курсларига ёзилган одамлар газета ўқиш, телевизор кўриш, яқинларига телефон қилиш қатъиян ман этилган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, миссионерлик ташкилотлари ўз фаолияти тўғрисидаги муайян ахборотни махфий равишда сақлаш муҳим ўрин тутаяди. Шу йўл билан миссионерлик ташкилотлари жамият ва давлат миқёсидаги жараёнларга таъсир кўрсатишга интилишади. Хусусан, жамият ва мамлакатдаги реал ҳаётни рад этиш орқали ҳақиқатни бузиб кўрсатиш ёрдамида ўз фаолиятларини ниқоблашга ҳаракат қилиш учун уринишади. Мазкур ҳолатни айна дамда миссионерлик ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган “беғараз ёрдам” мисолида кўриш мумкин. Бунда улар ўз фаолиятини ниқоблаш мақсадида гўёки, мамлакатда ночор аҳволда яшаётган болалар учун пул йиғишларини, бунда ташкилот аъзоларидан ҳеч ким гуруҳ етакчиси учун пул бермаслигини таъкидлашади. Зеро, миссионерлик ташкилотлари одатда молиявий жиҳатдан

қудратли бўлиб, жудаям катта маблағга эга бўлган бой ташкилотдир. Аммо, кўп ҳолларда ташкилотдаги моддий маблағлар гуруҳ аъзоларининг моддий аҳволини яхшилаш учун эмас, балки фуқароларни ташкилотга жалб этиш учун ишлатилаётганлиги рўкач қилиб кўрсатилади. Натижада мазкур ҳолатдаги ёлғон миссионерларга танқидий баҳо беришини бартараф этишга замин яратмоқда. Шунингдек, миссионерлик фаолиятида сўзлашувда бир қатор найранглари ишлатиш орқали оддий сўзларга янги ва қўшимча маънолар бериш ҳам муҳим ўрин тутаяди. Айнан мазкур ҳолат ғарбона деструктив диний ташкилот (сохта христианлик) сифатида фаолият кўрсатаётган Уитнесс Лининг маҳаллий черкови мисолида намоён бўлмоқда. Мутахассислар, гарчи секта асосчиси Уитнесс Ли инглиз тилида равон сўзлай олмаслигини, ҳатто фикрлари бир бирига зид келса ҳам гўёки секта таълимотида унинг ҳар бир сўзи муқаддас эканлигини алоҳида таъкидлашади. Илоҳий дунё миссиясида “билим” сўзи медитациянинг 4 та усулини билдиришини дастлабки машғулотларда ўқитилиб, у одамга худо тўғрисида билим беришини изоҳланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, биринчидан, миссионерликнинг асосий мақсади жамиятда ўзларига хайрихоҳ бўлган гуруҳлар ва тарафдорлар сонини шакллантириш орқали мамлакат устидан ўз назоратини ўрнатишдир. Айниқса, бир динга эътиқод қилувчи диндорлар орасига низо ва нифоқ солиш орқали фуқароларни ўзга динга ўтказишга бўлган интилишлар миссионерлик натижасида содир этилаётганлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, мусулмонларни христианликка, христианларни эса кришначиликка, православларни протестантликка “даъват этиш” бевосита миссионерлик натижасида амалга оширилмоқда. Айнан мазкур ҳолат жамият хавфсизлиги ва мамлакат барқарорлигини издан чиқаришига бўлган ҳаракатлар мисолида кузатилмоқда. Иккинчидан, глобаллашув шароитида кенг миқёсда фаолият кўрсатаётган миссионерлик халқимиз ва миллатимиз маънавиятига, диний эътиқодига нисбатан салбий таъсир этувчи омилдир. Мазкур ҳаракатлар оқибатида жамият ҳаётидаги

ижтимоий муносабатларга раҳна солиш орқали мамлакат барқарорлигини издан чиқаришга бўлган ҳаракатни кузатиш мумкин. Натижада миссионерлик оқибатида эътиқодига дарз кетган айрим шахслар орқали ўзларининг тарафдорларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шу тариқа миссионерлар мамлакатда содир этилаётган ижтимоий муаммоларни халқаро миқёсда ҳал этишга интилиб, мустақил тараққиёт йўлидан бораётган давлатларни пароканда қилиш орқали ўзларининг таъсир доираларини янада мустаҳкамлашни мақсад қилишганлигини англаш қийин эмас.

Ҳозирда мамлакатимизда турли эътиқодга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳурмат ўрнатилиши учун барча шароитлар мавжуд. Ўз навбатида республикаимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда, аввало, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик тўлиқ таъминланган ва қонуний кафолатланган. Мазкур ҳолат, кўп миллатли, кўп конфессияли бўлган мамлакатда ўзига хос ёндашувни тақозо этади. Айниқса, миллатлараро муносабатлар ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасида Ўзбекистон ўзига хос бой тажриба орттирганлигини таъкидлаш ҳам ўринлидир. Республикаимизда миллий ўзликни англашда миллатларнинг тили, маданияти ва урф-одатларни асраб-авайлашга катта эътибор қаратилмоқда. Юртимизда яшовчи барча миллат ва элатларнинг бирдамлигини таъминлашда диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, бир ғоя атрофида бирлашиш тамойилига амал қилинмоқда. Бу ҳақда фикр юритганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Маълумки, бизнинг қадимий ва саховатли заманимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган” (Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи. <http://www.uza.uz/oz/politics/millatlararo-d-stlik-va-amzhi-atlik-khal-imiz-tinchligi-va-f-24-01-2017>) Бинобарин, халқимизнинг азалий

қадрияти ҳисобланмиш эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга хос менталитет асосини ташкил этади.

Ҳозирги кунда юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар ўзаро иноқ ва тотувликда яшаб келмоқда. Юртимизда 17 та диний конфессия мавжуд бўлиб, улар бир оила аъзоларидек ҳамжиҳатликда истиқомат қилишмоқда. Барча дин вакиллари учун эркинликлар ва шарт-шароитлар яратилган. Мазкур диний ташкилотларга ўзининг диний маросимларини ўтказиш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиш учун барча зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган. Бугунги кунда диний бағрикенглик, энг аввало, дунё ҳамжамиятининг тинчлик ва барқарорликни сақлаш, диний экстремизм, фундаментализм, ақидапарастлик, терроризм, миссионерлик ва прозелитизмга қарши курашдаги ҳамкорлиги назарда тутилади. Айниқса, мамлакатимизда мазкур тамойилларга асосланган ҳолда, турли динларга тааллуқли қадриятларни сақлашга бевосита эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда, барча дин вакиллари учун зарур шарт-шароитлар яратилганлигини таъкидлаш ўринлидир. Мазкур ҳолат, ўз навбатида, мамлакатимизда динлараро, миллатлараро тотувлик ва бирдамликни мустаҳкамлашда ўз ифодасини топишига, уларни ўзаро боғлаб турувчи қадимги ва муштарак анъаналарни ривожлантиришга замин яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида миссионерликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш долзарб аҳамият касб этиб келган. Хусусан, республикаимиз қонунчилигида доимо виждон эркинлиги қўллаб-қувватлаган ва миссионерлик фаолияти қатъий таъқиқланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида юртимизнинг ҳар бир фуқароси ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи кафолатлаб қўйилиши билан бирга, мамлакатимизда диний қарашлар мажбурлаб сингдирилишига йўл қўйилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган (Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: “Ўзбекистон”. 2014. Б-12). Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар

тўғрисида”ги Қонунида эса: “Виждон эркинлиги –фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат конституциявий ҳуқуқи” (Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни., 3-модда, 1-банд. 1998 йил 1 май.) эканлиги алоҳида қайд этиб ўтилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши билан юртимиз фуқароларининг дини, тили, миллати, ирқи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, қонун олдида тенгликлари, улар ўзлари хоҳлаган динга эътиқод қилишлари ва ўз диний маросимларини эмин-эркин бажаришлари тўлиқ таъминлаб берилди.

1998 йил 1 май куни қабул қилинган янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунда виждон эркинлиги ҳуқуқи, динга муносабат ва фуқаролик ҳуқуқларининг тенглиги, давлатнинг диндан ажратилганлиги, давлат органларининг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг диний ташкилотлар билан муносабати, дин ва таълим, диний ташкилотларни рўйхатга олиш тартиби, диний урф-одат ва маросимлар, миссионерлик ҳамда прозелитизм каби масалаларга муносабат ўз ифодасини топди. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида “Ўзбекистон Республикасида ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъий назар, фуқароларнинг тенглиги таъминланиши” ўз аксини топган.

Ҳозирги кунда миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари жамиятни ичдан емирувчи иллат сифатида аксарият инсонларни ўз динидан воз кечиб, ўзга динни қабул қилишга мажбур қилиш ҳолатлари тобора кучаймоқда. Натижада, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракати оқибатида муайян минтақа ва ҳудудда дин ва диний қарашларга ўз таъсирини ўтказиш орқали ҳар қандай халқ ва миллатнинг маънавиятига раҳна солмоқда.

Зеро, дунё миқёсида глобаллашув жараёнларининг шиддатли тус олаётганлиги миссионерлик ҳаракатининг авж олиши учун

муайян даражада шароит яратиб бермоқда. Миссионерлик тарафдорлари аксарият ҳолатларда таъсир воситаси сифатида инсон маънавиятини нишонга олаётганлиги тобора ойдинлашмоқда. Ана шу мақсадда бу ҳаракат муайян минтақа ва ҳудудда халқнинг азалдан шаклланган маънавияти ўрнига “ўзгача” маънавиятни тарғиб этмоқда. Мазкур ҳаракат аксарият ҳолатларда лоқайдлик, худбинлик, нодонлик, бузуклик каби иллатларни шакллантириш орқали ҳар қандай халқ ва миллатни маънавий тубанликка етакламоқда. Натижада, ҳар қандай халқ ва миллат маънавиятини забт этиш орқали мамлакатнинг ўзини ҳам тобе этиш мақсади намоён бўлмоқда.

Натижада бугунги кунда миссионерлик фаолиятида ўзга дин вакиллари ўз динига киритиш орқали иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан ўз давлатларининг таъсирига олиш тобора кучаймоқда. Шу тариқа, муайян халқ ва миллат ўртасида ўз эътиқодига нисбатан шубҳа уйғотиш орқали фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, хусусан, эркин фикрлаш ва виждон эркинлиги ҳуқуқининг бузилиши ҳолларига йўл қўйилаётганлигига нисбатан содир этилаётган ҳаракатлар кенг жамоатчиликда жиддий ташвиш уйғотмоқда. Хусусан, республикамиздаги барқарорликка раҳна солишга интилаётган миссионерлик тарафдорлари аксарият ҳолатларда

махфийликка асосланган ҳолда ўз фаолиятларини амалга ошираётганлиги айниқса, хатарлидир. Бунда улар ўз ғояларини тарғибот ва ташвиқот қилишда энг авалло жамият ҳаётида ўз ўрнини топа олмаётган руҳий тушкунлик ҳолатига тушган инсонларни ўз таъсирига олиш асосий мақсади эканлиги тобора ойдинлашмоқда. Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, миссионерлик ҳаракати анча мураккаб кўринишлардаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиб, бу, ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Афсуски, бу кучларнинг асл қиёфаси, мақсад-муддаолари ва имкониятларини тўла ва аниқ-равшан тасаввур қилиш осон эмас. Улар кўпинча турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар пардаси остида иш кўришади. Бундай кучларнинг ихтиёрида жуда катта моддий, молиявий ресурслар ва имкониятлар мавжуд бўлиб, уларнинг пухта ўйланган, узоқ ва давомли ёвуз мақсадларига хизмат қилаётганлигини ҳам унутмаслик лозим. Бинобарин, дунё миқёсида, тинчлик ва барқарорликка раҳна солишга интилаётган миссионерлик фаолиятининг хатарли мақсад ва муддаоларини ўз вақтида англаш, улардан доимо огоҳ бўлиш, мазкур ҳаракатларни ўз вақтида бартараф этиш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканлигини ҳар бир замондошимиз теран англаб етмоғи лозим.

Адабиётлар:

1. Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008.
2. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилidir. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи. <http://www.uza.uz/oz/politics/millatlararo-d-stlik-va-amzhi-atlik-khal-imiz-tinchligi-va-f-24-01-2017>
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”. 2014.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни, 1998 йил 1 май.
5. И.Тўхтаров. Эътиқодимиз завола кўрмасин, ёхуд миссионерлик хуружлари тўғрисида. –“Фарғона ҳақиқати” газ., 2007 йил, 10 февраль

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор).